

RESPUBLIKASI
MILLIY KUTUPXONA
INV. №

Куч—адолатда

АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 12 февраль, № 6 (199) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда



Бундан икки йил аввал Сирдарё вилоятининг марказига ташир буюрган одам энди уни танибмай қолади. Бойси — Гулистон шаҳри тобора ўзгариб, чирой очиб бормоқда. Узининг ҳақиқий қиёфасига эга бўлаётти. Сирдарё вилояти ҳокимининг ташаб-

буси билан ташкил этилган «Гулистонқурилиш» трести бунёдкорлари бу соҳада эътиборга мулик ишларни амалга оширишяпти. Жамoa ахлининг кул-ғайрати билан қисқа даврда бир қанча маданий-маиший бинолар ишга туширилди. Йирик спорт мажмуи ва бошқа иншоотлар қад ростлади.

СУРАТЛАРДА: Гулистонда ишга туширилган янги иншоотлардан лавҳалар — меҳмонхона, улгуржи савдо маркази, янги қурилган «Асака банки» биноси. Хусанбой АВВАЛОВ олган суратлар.

ЮРТБОШИ ҲУҚУҚЛАРИ

Истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Келажакимизни ўз қўли билан яратадиган бўлдик. Ҳаётимиз ва яшайтган хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга, умумшароит эътироф этган демократик меъзоларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик. Бу жуда катта бойлик.

Ватаним деб, элим деб, бутунги овоз Ўзбекистон учун ҳаётимиз-жонимиз фидо қилганларни ёд эттиш, улуг аждодларимизнинг руҳларини шод қилишни илсоний бурчимиз деб биламан.

Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу — тоталитаризм меросидан ҳалос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллати етказган эъён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир.

Энг муҳими одамлар ҳукумат ташлаган йўлинг тўғри ва ҳақоний эканига тўла ишонч ҳосил қилдилар. Бу бизнинг энг катта ютуғимиздир. Иккинчидан, одамлар таваққурида ўзгарши юз бермоқда. Бу тараққиётимиз гарови, катта имкониятдир.

ИСЛОМ КАРИМОВ: БИЗ ТЕНГЛИК АСОСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ТАРАФДОРИМИЗ

Кеча Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида кенг миқёсдаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки мамлакатнинг парламентарно алоқаларини ривожлантириш ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Айни пайтда қароргоҳнинг музокаралар залида Ўзбекистон Республикаси БШБ вазири Уткир Султонов Россия Федерацияси расмий делегацияси аъзолари билан учрашди. Россия Федерацияси расмий делегацияси таркибига мамлакатнинг Орлов, Курган, Воронеж, Иваново, Калуга, Тюмень, Иркутск, Омск вилоятлари раҳбарлари бор эди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, худудлараро товар айирбошлаш ҳамжўраи охириги ширини билан боғлиқ масалалар музокараларнинг бош мавзуси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, Россияда Ўзбекистоннинг пахта-сизга, полиз, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларига эҳтиёж катта. Шу сингари Россия билан илчил иқтисодий ҳамкорликдан, шубҳасиз, мамлакатимиз ҳам наф топади. Учрашувда худудлар, ҳужалик субъектлари алоқалар ривожланиб бораётганини кайди этилиши баробарида, бундай муносабатлар куламини янада кенгайтириш, ҳар икки томон манфаатлари билан бирдек хизмат тўғрисидаги фикр алмашди.

Шундан сўнг қароргоҳнинг музокаралар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси расмий делегацияси аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон, Россия ва минтақада кенаятган воқеа-ҳодисалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Егор Строев билан учрашувда бу муаммолар юзасидан бўлган мулоқотларни худудлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон, Россия ва минтақада кенаятган воқеа-ҳодисалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этар экан, Егор Строев билан учрашувда бу муаммолар юзасидан бўлган мулоқотларни худудлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари мустақил давлатлар ҳамдустлиги борасида кенаятган гап-сузлар ҳусусида ҳам алоҳида тўхталиб, бу тузилма аввалбошқадар пухта замин асосига қурилмаганини кайди этди. Агар МДҲ иқтисодий замин асосида барпо этилганида эди, бугун унинг натижаси бошқа-ча булур эди, деди жумладан Ислам Каримов. Пухта уйланмай, мўлийий ва бошқа қийинликларни бошдан кечирётганлар экинчи унутмаслик керак. Улар ўзининг қандайдир ҳа-во ҳужуми мудофаси, аллақандай блоклар, сиёсий тузилмалар ташкил этиш ва шунга ўқаш бехуда сий-ҳаракатларга уралашиб қолмоқда. Биз бир-биримиз билан янада яқинлаштишга сираям қарши эмасмиз, деди Ислам Каримов.

Интеграция ҳақидаги баландларов гапларни байроқ қилватганга, асосан, ўз мамлакатларида иқтисодий, мўлийий ва бошқа қийинликларни бошдан кечирётганлар экинчи унутмаслик керак. Улар ўзининг қандайдир ҳа-во ҳужуми мудофаси, аллақандай блоклар, сиёсий тузилмалар ташкил этиш ва шунга ўқаш бехуда сий-ҳаракатларга уралашиб қолмоқда. Биз бир-биримиз билан янада яқинлаштишга сираям қарши эмасмиз, деди Ислам Каримов.

Интеграция ҳақидаги баландларов гапларни байроқ қилватганга, асосан, ўз мамлакатларида иқтисодий, мўлийий ва бошқа қийинликларни бошдан кечирётганлар экинчи унутмаслик керак. Улар ўзининг қандайдир ҳа-во ҳужуми мудофаси, аллақандай блоклар, сиёсий тузилмалар ташкил этиш ва шунга ўқаш бехуда сий-ҳаракатларга уралашиб қолмоқда. Биз бир-биримиз билан янада яқинлаштишга сираям қарши эмасмиз, деди Ислам Каримов.

Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси билан ҳар икки томон манфаати тизим тахмин қиладиган интеграция тарафдори эканини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ўз фикрларини давом қилиб, агар томон маъно-даги иқтисодий интеграцияни барпо этишни хоҳлар эканмиз, пухта уйланмаган транспорт, божино тарифлари олдига қараб ҳаракат қилишга ҳалақит бераётган бошқа тусиқларни бирга бартараф этиш лозимлигини айтди.

Егор Строев Ўзбекистон заминидан келган учрашулардан қониқши ҳосил қилганини айтиб, Ислам Каримов билан учрашувда таъкидлади. Унда унинг алоҳида таъкидлади. Егор Строев собиқ Иттифок республикалари орасида фақат Ўзбекистон 1990 йилги ишлаб чиқариш ҳажми курсаткиларини сақлаб қолган, бо-зор муносабатлари утиш жаранида давлатнинг илсон-хотилик ролидан воз кечмаган, илсон фундаментализмига қарши курашда катъий ва илчиллик курсатганга экинчи айтди.

Шундан сўнг, Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгашининг раиси Егор Строев раҳбарлигидаги ўшбу мамлакат делегацияси аъзолари мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғига ташир буюрдилар. Меҳмонлар улуг мутафаккир ва давлат арбоби, шериъат мулкнинг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қуйдилар.

Егор Строев бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ташир буюрди. Меҳмонлар мамлакатимиз парламентидаги мухташам бизнесини куздан кечириб, Олий Мажлис фаолияти билан танишдилар.

Меҳмонлар Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, парламент фракцияларининг раҳбарлари ҳамда қўмита раислари билан учрашдилар. Учрашув чоғида парламентлараро алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар сўз-батнинг бош мавзуси бўлди.

Ислам Каримов ва Егор Строев пойтахт марказидаги Ўзбекистон Академик рус драма театрига ҳам ташир буюрди. Меҳмонлар театр жамоаси билан учрашиб, санъаткорлар фаолияти ҳусусида сўзлашдилар. Ислам Каримов санъаткорларнинг маънавий ҳаётини қувватлаш билан бир қаторда, уларга ўз иқтисодий рўвбга чиқариш учун имконият яратиб бериш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Е. Строев Ўзбекистонда маданият ва санъат ахлига давлат томонидан алоҳида эътибор қилатиладиганини таъкидлаб, гувоҳ бўлганларни қувватлаш билан бир қаторда, уларга ўз иқтисодий рўвбга чиқариш учун имконият яратиб бериш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Е. Строев Ўзбекистонда маданият ва санъат ахлига давлат томонидан алоҳида эътибор қилатиладиганини таъкидлаб, гувоҳ бўлганларни қувватлаш билан бир қаторда, уларга ўз иқтисодий рўвбга чиқариш учун имконият яратиб бериш ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Шу билан Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши раиси Егор Строевнинг Ўзбекистонга ташир буюришига ётди. Тошкент аэропортида уни Президент Ислам Каримов ва бошқа расмий кишилар қу-затиб қолди.

Шуҳрат УМИРОВ,
Муеулмон НАМОЗОВ,
(Ў.А.)

Муносабат

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ — ДЕМОКРАТИЯ ТАЯНЧИ

ёки адолат тантанасига тўсиқ бўлаётган лоқайд кишилар фаолиятига бир назар

Яқинда тахририятга бир киши шахд билан кириб келди ва даб-дурустан: — Газетангизнинг номи «Адолат» экан, адолат излаб келдим, ёрдам бера-сизларми? — деб сурати утирар-утирмас.

— Нима бўлди, шовиш-масдан бир чеккадан гапир-берингчи.

— Э, одамга алам қилар экан, кеча демая, кундуз демая ишласам. Мана энди арзиман баҳона билан ишдан кетказмоқчи.

— Ким кетказмоқчи, ни-мага кетказмоқчи?

— Бошлигим-да, бошли-гим. Аслида унинг ўзи фирм муттаҳам. Ҳамма ёқни упи-риб ётибди. Далилларим бор. Бир фелетон қилиб, шармандасини чиқарин-лар. Қилмишга роса пуй-шаймон бўлсин.

— Майли дустим, айбон бўлса, албатта жазосини олади, — дедим мен унга бир пиёла чай узатиб, — Фақат тушунтириброк гапир-ринг.

— Мен фирмада иш-лайман. Таъминотчиман. Ассосан олди-сотди билан шуғулланамиз. Вазирам арзон-гаров мол топиш. Елиб-югуриб олиб келаман. Харидор ахтараман. Узи-мида ёки бизга мол бера-диган ташкилот омориди-ги нарсаларнинг устига би-роз қўйиб пулайимиз. Да-роматимиз шундан. Ил-гарилари мижозлар билан узим гапашаримиз. Энди хужайиннинг ўзи гап-лашяпти. Умуман йўқ одам-ларни ишга олиб, пулинчи узлаштираётгани етмагани-дек, менинг озгинагина ул-ушимга ҳам қуз олайтира-пти.

— Қанақа улур? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Ҳайрон булманг, ҳамма нарсаининг йули бор. Масалан, мен биздаги молга харидор топдим, дейлик. Унга буюм-нинг нархини пасайтириб бе-раман. У эса ширинкомасини чўзиб қўяди. Энди эса бош-лиқ «улик жонлар»дан кела-диган даромадининг устига менинг лўқмамга ҳам қуз олайтирмоқда. Энди бу ўзи мижозлар билан шахсан ўзи келишяпти. Норозилик бил-дирсам, «ёқмас арзанганги ёз», демоқда. Унинг муттаҳам-лигини исботловчи бошқа фа-ктлар ҳам бор.

— Майли, — дедим мен, — ҳаммасини бир бошдан қозғо-га туширингда ташлаб кети-нг. Керакли ташкилотларга юборамиз, текшириб куриша-ди.

У утириб эринмасдан қар-рий ўн варақди шикоят ёз-ди. Адолат юзга чиқишидан умидвор бўлиб ташлаб кетди. Мен шикоятни тегишли орган-ларга жунатдим. Қилни қирқ ёрадиган ходимлар уни син-чилаб урганиб, эл мулкига қуз олайтирувчи кимсанни та-либонини тортиб қўйишларига ишонаман.

Аммо мени бошқа бир нар-са уйлантириб қўйди. Яъни олдимга келган халиги одам бошлигининг қинғирликларни анчадан бери билар экан, нима учун илгарироқ келма-ди? Унинг қилмишларини ку-риб, узини қурманганга олиб юраверди. Агар қонунбузар-ликини қурган вақтидаёқ ай-ти-ганда иш шу даражага бо-риб етмасди-ку! Бу билан ши-коятчи биринчидан халқ мул-кининг талон-тарож бўли-шидан, иккинчидан бир одам-нинг жиноят йўлига кириши-дан асраб қолган булмасми-ди?

Бундан келиб чиқадиган ху-лоса шуки, унинг ўзи ҳам да-стлаб мўмай даромад эгаси бўлган. Қанча-қанча пуллари-ни енг учидан мижозлардан «бе-миннаат хизмат» учун олган. Текин даромаддан айрилиб қолганидан кейин эса, бош-лигининг кирдиқорларини очишга киришган. Бу билан унинг ўзи қонун бузилишига йўл қўйган.

Қонун бу муқаддас нарса. Уни ҳеч кимнинг бузишга ҳа-ққи йўқ. Қонунбузарларнинг ку-пайиши жамиятдаги айрим одамларнинг маънавиятини тубанлаштиради. Давлатнинг иқтисодий тараққиётини се-кинлаштиради. Аҳолида тар-тибсизликка, қондабузар-ликка, жиноятга ҳам муқар-раллига шубҳа уйғотади. Бунга ҳозирги шароитда ан-чагина мисолларни келтириш мумкин.

Масалан, ташмачиларни олайлик. Қандайдир қорхона-да ишлайдиган. Баъзи кимса-лар дастлаб назоратсиз ётган у-бу нарсаларни беркитиб олиб чиқиб кета бошлашади. Бу ҳол ҳуқуқни муҳофаза қи-лиш органлари қўлига тушма-гунарлича давом этаверади. Баъзан йиллаб милиция улар-ни ушлолмаслиги мумкин. Ахир уларнинг қўли қаерга ҳам етарди. Йил, ун икки ой пўйлоқчилик қилишолмайди-ку!

Лекин уларни ёнида иш-лаётганлар-чи? Нега улар бу ҳақда тегишли жойга айтиш-майди? Ахир улар билан бир-бир нарсадан келадиган қанча одамларнинг ҳам ҳа-минга зарар келтиради-ку! Биз-нингча, бу лоқайдлик, бепар-волик, мен сенга теғмай, сен менга теғма қабилдаги ёмон иллатдан бошқа нарса эмас.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Купинча қизил чи-рокда утиб кетган, ичиб олиб машина бошқарган хайдовчи-ларни учратамиз. Уларнинг баъзилари таъқиқланган жойда бошқа транспортни қу-виб утадилар. Темир йўлни бемалол кесиб утаверади-ган. Айрим йўлни қирдиқорларини очишга киришган. Бу билан унинг ўзи қонун бузилишига йўл қўйган.

Қонун бу муқаддас нарса. Уни ҳеч кимнинг бузишга ҳа-ққи йўқ. Қонунбузарларнинг ку-пайиши жамиятдаги айрим одамларнинг маънавиятини тубанлаштиради. Давлатнинг иқтисодий тараққиётини се-кинлаштиради. Аҳолида тар-тибсизликка, қондабузар-ликка, жиноятга ҳам муқар-раллига шубҳа уйғотади. Бунга ҳозирги шароитда ан-чагина мисолларни келтириш мумкин.

Масалан, ташмачиларни олайлик. Қандайдир қорхона-да ишлайдиган. Баъзи кимса-лар дастлаб назоратсиз ётган у-бу нарсаларни беркитиб олиб чиқиб кета бошлашади. Бу ҳол ҳуқуқни муҳофаза қи-лиш органлари қўлига тушма-гунарлича давом этаверади. Баъзан йиллаб милиция улар-ни ушлолмаслиги мумкин. Ахир уларнинг қўли қаерга ҳам етарди. Йил, ун икки ой пўйлоқчилик қилишолмайди-ку!

Лекин уларни ёнида иш-лаётганлар-чи? Нега улар бу ҳақда тегишли жойга айтиш-майди? Ахир улар билан бир-бир нарсадан келадиган қанча одамларнинг ҳам ҳа-минга зарар келтиради-ку! Биз-нингча, бу лоқайдлик, бепар-волик, мен сенга теғмай, сен менга теғма қабилдаги ёмон иллатдан бошқа нарса эмас.

Ёки бошқа бир масалани олайлик. Айтайлик жамоат жойида ёки нечта успирич бир кишини тепкилаб урмоқ-да. Бир пастда тумонат одам йиғилади. Ҳамма томошабин. «Ҳой, нега бир бечорани уряясанлар?» дейдиган мар-д топиламайди.

Бир кун бир ошман: «Хад-рада шундай воқеа содир бул-

ди: турт киши урта яшар бир одамни уртага олиб шундай тепкилабди, охири қимирламай қолди. Улиб қолган булса керак. Йигир-ма чоғли йўловчи роса то-моша қилишди», — деб қол-ди.

— Бечорани ажратиб қўймадингми? — сурадим ажабланиб.

— Бе, менга нима. Кал-так егим келатгани йўқ. Қолаверса, милиция гувоҳ сифатида қақиравериб эн-ка-тенкамни чиқариб юбо-ради, — деди баймайлито-рир.

Эҳ, одамлар! Шунчалик киши тақдирига бефарқ бу-либ қолдикми? Ахир уша калтак еган акамиз, укамиз, отамиз, қариндош-уруғи-ми, дусту биродаримиз бу-лиши мумкин-ку! Қонунбу-зарликка, адолатсизликка, ёмонликка, уғриликка, мут-таҳамликка қарши ҳамма-ми, бир биримиз бирдай курашмасак оқибати нима бўлади? Шулар ҳақида уйлаб курадиган вақт етди.

Хуллас, ҳар кун иш жойимизда, куча-қўйда, яшаш жойимизда қўллаб қондабузарларни учрата-миз. Нега улар бемалол ўз биланларини қилишяпти? Бунга ким айбдор? Аслида ҳаммамиз айбдоримиз. Қў-пчилигимиз лоқайд бўлиб кетганмиз. Лоқайдлик эса ёмон иллат.

Агар ҳар қандай қонда бузилишига муроасасиз бул-са, менга зарари теғмаяп-ти-ку тинчимни бузиб нима қиламан, демасдан дадил курашсак, юртимизда Адо-лат тантанаси тезроқ қарор топади. Адолатли жамият эса, демократия таянчидир.

Бир кун бир ошман: «Хад-рада шундай воқеа содир бул-

ди: турт киши урта яшар бир одамни уртага олиб шундай тепкилабди, охири қимирламай қолди. Улиб қолган булса керак. Йигир-ма чоғли йўловчи роса то-моша қилишди», — деб қол-ди.

— Бечорани ажратиб қўймадингми? — сурадим ажабланиб.

— Бе, менга нима. Кал-так егим келатгани йўқ. Қолаверса, милиция гувоҳ сифатида қақиравериб эн-ка-тенкамни чиқариб юбо-ради, — деди баймайлито-рир.

Эҳ, одамлар! Шунчалик киши тақдирига бефарқ бу-либ қолдикми? Ахир уша калтак еган акамиз, укамиз, отамиз, қариндош-уруғи-ми, дусту биродаримиз бу-лиши мумкин-ку! Қонунбу-зарликка, адолатсизликка, ёмонликка, уғриликка, мут-таҳамликка қарши ҳамма-ми, бир биримиз бирдай курашмасак оқибати нима бўлади? Шулар ҳақида уйлаб курадиган вақт етди.

Шу сонга хабар
ДАДИЛ ҚАДАМ
Тошкентда, Миллий матбуот марказида Халқаро тоифадаги грессмейстер Рустам Қосим-жонов иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.



Маълумки, икки ҳафта давомида Голландиянинг Вейк - Ан-Зе шаҳрида ўт-

казилган йирик халқаро турнирда ўш шохмочти ҳи-собланган Рустам Қосим-

жонов жаҳондаги машҳур шохмочтилар, айниқса, бир неча мартаба жаҳон чемпиони Гарри Каспаров билан дونا суришгани унинг мухлисларини хурсанд қилган эди.

Матбуот конференциясида Рустам ана шу супер-турнирдан олган таассуротларини мухбирларга батафсил сузлаб берар экан, бу мусобақа шу йилнинг ёзида АҚШнинг Лас-Вегас

шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионати олдидан узи учун яхшигина сабоқ бўлганини алоҳида таъкид-лаб ўтди.

Бундан ташқари, бу йил унинг учун мусобақаларга бой йил бўлишини, жаҳон чемпионати мусобақалари билан бир қаторда бошқа йирик халқаро шохмоч тур-нирларида ҳам қатнашиши-ни маълум қилди.

Шунингдек, матбуот кон-

ференциясида Ўзбекистон Республикаси Жисмо-ний тарбия ва спорт дав-лат қўмитаси раиси Баҳо-дир Махситов суз олиб, мамлакатимизда шохмоч-ти ривожлантириш истиқ-боллари билан боғлиқ ма-салалар тўғрисида атроф-лича тўхталиб ўтди.

Сатъиддин САЙДИСЛОМОВ,
«Адолат» мухбири.

Журналист текшируви
МАРҲУМЛАР ГУВОҲЛИК
БЕРОЛМАЙДИ...
Еҳуд судья неа фирибгарлар ёпиши олди?

Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида хизмат са-фарига эдик. Ёши қирқларга яқинлашиб қолган, ис-тараси иссоққина рус абли бизга бир масала ҳусуси-да мувожаат қилиб қолди.

— Сизларни мухбир деб эшитдим, — деди у, — иложини қилсангиз, ноҳақ юзи қора бўлган бир ҳам-қасбимнинг пок номини тиклашда ёрдам беринглар. Узини ўзи ҳимоя қилмайди у?

— Нега? Қамокдами!

— Йўқ, Нариги дунда... Бир ярим йилдирки, олам-дан ўтган.

Хамсубатимиз Наталья Викторовна Еленица билан ба-фуржа гапашдик. Унинг ҳам-қасбаси номи билан боғлиқ қўпгина ҳужжатлар билан та-

нишган, ниҳоят, баъзи бир ким-салар ўз қабрих максадларини амалга ошириш йўлида ҳеч нар-садан, ҳатто марҳумларнинг ру-

(Давоми 2-бетда).

Қонун барчага баробар!
ЖИЁБНАТ
Ёки нопок милиция ходимининг гайриқонуний қилмишлари ҳусусида

Мудҳиш қотиллик рўй берди. Хусусий дўкон эгаси Алижон Бадаловни номаълум жиноятчилар ўлдириб кетишди. Таъини, уша қўниёқ бу хусусида жиний иш кузатилиб, қотилини топиш ва жазога тортиш мақ-садида тезроқ гуруҳ тузилди. Аммо вақт утиши бил-лан ишлар босилиб борибса ҳам калаваннинг учи ҳа-деганда топилавермади. Қилинган ҳаракатлар зоё кет-таверди.

Орадан ҳафтааларгина эмас, ойлар ўтса ҳам қотил тутқич бермади. Ҳафсаласи йил бўлган тезроқ гу-руҳининг ишдан ҳам бора-бора сурьат кетди...

Тезроқ гуруҳнинг бунақа нафис хатти-ҳаракатлари-дан тоқати тоқ бўлган мар-ҳумнинг қариндош-уруғлари юқори идораларга шикоят-

лар ёзиб. Бадаловнинг қотил-ларини топишни талаб қилиш-ди. Оқибатда бутунлай бошқа таркидан иборат янги тезроқ гуруҳ тузилди. Унга аъзо этиб

киритилган Тошкент ви-лояти Ички ишлар бошқар-маси қидирув милиция хиз-мати катта тезроқ вакили Қобил Тулашев бундан «от-нини улашим, итининг байра-ми» тарзида фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У гуруҳ бошлиғи ҳузурига кириб:

— Агар Бадаловнинг қо-тилин топишни менга ишонсангиз, бу ишончингиз-ни теъда оқлашга суз бера-ман, — деди.

(Давоми 4-бетда).

Назм
ОМОН БУА ОНА ЮРТ
Ер юзин жаннати Ўзбекистоним,
Оллоҳнинг ҳиммати Ўзбекистоним,
Ватанлар қиммати — Ўзбекистоним —
Омон бул она юрт, дунё борича,
Фам кўрма, аламини билма заррача.
Бағрингидир сажий ер — оқ олтин қони,
Дунянинг тоғлиги бую бўстони,
Содаат сайқал бахтининг ошони,
Меҳнаткаш элимнинг жону жаҳони
Омон бул она юрт, дунё борича,
Фам кўрма, аламини билма заррача.
Истиклол байроғин эл қутарар шод,
Истиклол аёнидир дилда эрк наҳот,
Элим деб, юртим деб, яшар ҳар аллод,
Адолат бор жойда юрт бўлди обод.
Омон бул она юрт, дунё борича,
Фам кўрма, аламини билма заррача.
Йўлдош ОДИЛОВ.

Фидойилар



Мукаррам Алимова оддий ўзбек айли. Ёшлигида меҳр боғлаб, кунги кўйган касби ўқитувчиликни 45 йилдан буюн эъзозлаб келмоқда. Тошкент шаҳрининг Акмал Икромов туманидаги 123-мактабдаги кўпчилик муаллимлари уни ўзларига устоз деб биладилар. Зеро, бу бежиз эмас. Бошланғич таълим ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси, «Оқилхон Шарафидинов» медалининг соҳиббиси Мукаррам Алимова бундай эъзоз-эътиборга меҳнати, изланиши, интилишлари билан эришди. Отаси, онасининг изидан бориб ҳаётда янгиликларни, эндиликда у шу мактабдаги 3-«А» синф ўқувчиларига чўқур билим бериб келмоқда. Синфнинг бошқалардан фарқ қилганидан тўмонлари кўп. Болалар кўпроқ мустақил бўлишга ўрганишган, ижодий ишлари билан кўзга ташланган турмушда. Хатларининг чиройлилиги бир-бирлариникидан қолшимайди. Ва яна... айтаверсак гап кўп. Буларнинг ҳаммасида Мукаррам Алимованинг хизматлари бор. СУРАТДА: Бошланғич синф ўқитувчиси Мукаррам Алимова ўқувчилари билан. Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

ХИЁНАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).
ка гумондор киши борми?
— Бор-да, ҳужайин! Агар бўлмаса шундай дермидим?
— Хўш, ким экан у?
— Биласизми, Бадалов курган дукон ҳаммом худудига жойлашган эди. Уни Сайидрахмоновлар сотиб олган, дуқондорга бу ердан «туёғини шикиллатиб» қолишни таклиф этган. Аммо у кўнмаган, шу қотилликка қўл урилган...
Гуруҳ бошлиғи унга ишонди. Аммо Тўлашевнинг тили бошқа, дили бошқа эди. У Сайидвалининг акаларини пулдор деб ҳисоблаб, уларни шу иш баҳонасида «шил» олишни кўзда тутган. Бошлиқнинг «оқ фотиҳа»си унга бу гараз мақсаднинг рўйида чикариш учун гўё имконият эшикларини ланг очиб бергандек бўлди. Лекин бунинг учун у дастла Сайидвалини мажбурий жиноятга эволаштириб олиши керак эди. Шу мақсадда гуруҳ раҳбарига:
— Энди, ҳужайин, далилий ашёлар топишим учун Сайидвалининг уйини тинтув қилишимизга санкция ёзиб берсангиз, — деди.
— Агар шу иш жиноятнинг очилишига наф берса бажонидил!
Тўлашев дастлаб Сайидвалини чақиртириб гуруҳ раҳбари билан учраштирди. Кейин Янгийулга бориб туман Ички ишлар бўлими жиноят қилдирув бўлимига тезкор вакиллари Дониёр Турсунов, Шўхрат Тўлағанов ҳамда участка нозирини Носиржон Утбосаровларни олиб, гумондорнинг уйини тинтув қилишга боради. Дастлаб унинг Янгийул шаҳридаги уйини тинтув қилишди. Бироқ кўзда тутилган жиноятнинг ишга оид бирор далилий ашё топилмади. Шундан кейин гумондорнинг Халқобод кўрғонидagi ҳовлисига йўл олишди. У ерга бораганда эса кун анча кеч бўлиб қолган, боз устига электр токи йўқлигини баҳона қилиб «тинтув»ни навабдаги кўнма қолдирмоқчи бўлишди. Шунда Сайидвалининг акалари:
— Жаноб милиционер, буладиган ишнинг вақтида бўлган яхши! Тинтувни шу бугун ўтказиб кетинглар. Биз ҳозир электр тармоқлари корхонасига бориб, қандай қилиб бўлмасин чироқни ёқтириб келамиз, — деб чиқиб кетишди.
Улар кетган, Тўлашев уй эгарига қараб:
— Ҳозир тинтув қилидиган бўлсак, Сайидвалининг олиб кетишимиз керак. Бу бизга ҳам, сизларга ҳам нўқулай. Яхши, тинтувни эртага қиламиз, — деб жўфтани ростилаб қўлишди...
Уй эгарига қўлишди ҳамма ўқини саранжом-сарига қилиб, аввалга тегишли кийим-кечаларни бир чегга олиб тинтувга тайёрланиб туришди. Тинтувчилар эртага Сайидвалининг уйи томон бораётганда Тўлашев машинада ёнидан чиқарган уч дона жанговар ўқининг биттасини Дониёр Турсуновга, иккинчисини (учинчисини энда олиб қолган ҳолда) Шўхрат Тўлағановга бериб берди.
— Сайидвали «заказной» жиноятчиликда гумон қилинмоқда. Уйини яхшилаб тинтувлар, шу нарса чиқибди шарт!
Тинтувнинг «меҳмонхона»дан бошланди. Бу ишни участка нозир бажарди. Хонадан соҳиблари, хонислар кузатиб туришди. Уйдан шўбхали ёки ноқоний нарсалар топишмаган Тўлашев газаб отига минди:
— Утбосаров тинтувни билмайди! Бошқатдан узларинг тинтув қилинган!
«Ҳужайин»нинг бу гапидан кейин хозиргина хонислар куз унгида қўздан кеҳирилган хонага Турсунов билан Тўлағановлар кириб кетишди. Бироздан сўнг Турсунов Тўлашев берган ўқини шкафдан «топиб» чиқди. Худди шу лаҳзада Тўлағанов ҳам чўнтагидаги ўқини олиб гумондор жинис шимининг чўнтагидан «топи»ди. Уни олиб хонисларга кўрсатди. Бундан таажубланган хонадон соҳиблари:
— Ҳозиргина шу уйнинг участка нозир барчамизнинг гувоҳчилигида тинтув қилинганда ҳеч нима чиқмади. Энди эса бир эмас, икки жойдан ўқ топилиб турибди. Бу қанақаси бўлди? — деб норозилик билдиришди.
— Тўғри, — деди участка нозирини, — ҳозиргина шу жинис шимининг ҳамма чўн-

Харакат хавфсизлиги ойлиги қандай ўтмоқда?

ҲУШЁРЛИККА ДАЪВАТ

Республикамизда 20 январдан 20 февралгача ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Биз бу тадбирни ўтказишга пухта тайёргарлик қурдик.
Энг аввало, маҳаллаларда, шаҳар корхона ва ташкилотларида, ўқув муассасаларида учрашувлар ташкил этилиб, ходимларимиз йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича кенг тушуна бердилар. Тадбир давомида 90 дан ортиқ жиноятнинг олди олинди, 220 дан ортиқ қоидабузарликлар аниқланиб, 10 дан ортиқ ҳайдовчиларнинг маст ҳолатда машина бошқаргани қайд этилди. Шунингдек, 50 га яқин пиёдаларнинг ҳаракат қондаларини бузганлиги маълум бўлди. Улар айбларига қараб жазоландилар.
Шуни айтиш жоизки, ҳаракат хавфсизлиги ойлигида транспорт ҳодисаларининг умумий сонига қараганда, бошқарувчиларнинг сабаб бўладиган қоидабузарликларнинг умумий сонига қараганда, айни пайтда бўлинмада 10 нафар ҳодим меҳнат қилишяпти. Милиция тартибдорлари Абдуназар Қосимов, Махмуд Обуюлов, Шўхратга устозлик қилишмоқда.
Мансур МУСУРМОНҚУЛОВ,
Янгиер шаҳар ДАН бўлимидаги бошлиқ милиция майори.



Аэропорт

— Лайло, нима бўлсаям шу кишини қўлдан чиқармайлик. Жуда пулдор бойваччага ўхшайди... Собир ХОЛБЕКОВ чизган расм.

МОЗИЙ ҲАНГОМАЛАРИ

Султон Махмуд бир кун соқчилари билан бозор орадар экан, биқинидан бир тиланчи суқилиб садақа суради. Подшоҳ унга бир олтин берибди. Тиланчи пулни чўнтакка уриб деди:
— Нима қиласиз, Султоним, катта бир салтанатнинг эгаси ўз укасига биттагина олтин берадими?
— Қанақасига укам бўласан?
— Икковимиз ҳам Одам алайҳиссаломнинг авлоди эмасми? Демак, ака-укамим!
Шунда подшоҳ тиланчининг қуллогига аста шивирлабди:
— Бу қашфининг бошқаса айта қурма, агар ҳамма ҳақини таниб, бир-бириндан улуш талаб қиларсан, сенга хемирин ҳам тегмайди!

«Адолат»га жавоб берадилар

«АКАМ НОҲАҚ ҚАМАЛДИ»

Газетамизнинг 1998 йил 27 ноябрь сонидида чоп этилган Фуқаро Тўқин Санакўловнинг «Хатиди таъкид ланишчи», Мировод туман суди акиси Эркин Санакўловни ноҳақ қамалган. Биз ушбу мақбул чоп этилган, Тошкент шаҳар прокуратурасидан жавоб олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Аниқлашчи, Тошкент шаҳар Мировод тумани судининг 1998 йил 13 октябрдаги ҳукмига, шунингдек, шаҳар судининг 1998 йил 11 ноябрдаги мажбурий етказарликда на узгартирган ажримига қўра, гуруҳ бўлиб безорилик қилгани ва шахсий ҳужжат бўлиши паспортни гараз-гўйлик билан эгаллаш жиноятларини содир этгани учун Э. О. Санакўлов турт йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.
М. МИРСОЛИХОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг уринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Бу — қизиқ

ТўТИ ЖИНОЯТЧИНИ УШЛАБ БЕРДИ

Техас (АҚШ) штатидаги шаҳарлардан бирининг полицияси шу ерлик бадавлат қишлоқчидаги ўғри тушишдан хабардор қилинганга қарамай, талончиларни қўлга тушира олмади. Агар хонадондаги «Бейби» лақабли тўти бўлмаганида қидирув ишларининг қанчага «узилиши номалум» эди.
Буни қарангки, тўти угирлик содир бўлаётган ерда талончилар бир-бирига мурожаат қилаётганларида уларнинг исмининг эслаб қолган экан. У бу тўтида полицияга дархол «маълум қилди».
Ақбар АЛИЕВ.

МИСР АДБИНИНГ АСАРИ ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Аброр Ҳидоятлов номли театр биносидида ажойиб кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Миср дўстлик жамияти, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Миср фан ва таълим маркази ҳамда Тошкент давлат Шарқшунослик олий билимгоҳи томонидан уюштирилган бу анжуман мисрлик машҳур адиб, драматург, публицист Тавафик Ал-Ҳаким таваллууд тоғлининг 100 йиллигига бағишланди.
Кечанинг тантанали қисмида Ўзбекистон — Миср дўстлик жамиятининг раиси, Тошкент давлат Шарқшунослик институти ректори Нейматулла Иброҳимов, Мисрнинг Ўзбекистондаги Факултета ва Мухтор элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий, Миср фан ва таълим маркази мудири, доктор Саамий Ҳаммадлар адиб ҳаёти ва ижоди ҳақида, мамлакатимиз орасидаги маданий алоқаларнинг ривожини, бунинг кеча ҳам ушбу ҳамкорлик самараси экани ҳақида гапирдилар. Шундан сўнг Шарқшунослик институти талабалари Тавафик Ал-Ҳаким асарларидан парчалар ўқидилар, унинг тўқсансондан намуналар кўрсатдилар. Кеча сўнгида Аброр Ҳидоятлов номли театр актрисари адибнинг «Гаройиб оқлом» асарини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди.

ҲИҚМАТЛАР

● Одамлар ўртасидаги муносабат ҳамжиҳатлик сарчасидан парвариши топса, кишининг қўли ҳақиқат тўқ бўлиди ҳамда ҳар қандай оғир мушкулот ҳам осонликча бартараф қилинади.
● Дусларнинг дўста манфаати беҳисобдир. Дўст давлатнинг борида ҳам, бошини қўлаб ташган чоғда ҳам ҳамроҳ, ёрдамчи ва суяничи бўлади.
● Доно киши эҳтиёткорликни тарқ этмайди, душман сузига ишонмайди ва оқибатда балога гирифтор бўлмайди.
● Оқиллар тез дўст бўлиб ва кеч бўлур душман, олтин куза кеч синиб, бут бўлур тегадир.
● Тазмағир юз йилги дўстлик илбини бир лаҳзада узишдан ҳам тоймайди, кеч дўст тез душман бўлади.
● Сопоқ куза тез синида ва уни тузатиб бўлмайди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Турғунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улуғбек ДОНИЁРОВ, Анвар ЖҲРАБОВЕ, Акмал ҚОСИМОВ, Тўхтамурод ЖҲРАЕВ, Рустам АХМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Қаримжон РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Равадан ХАЙДАРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Қодиржон СОБИРОВ (бўлим мудири).
Мулоқот учун телефонлар: Қабулхона — 133-41-89, Котибият — 136-55-64, Эълолар бўлими: 136-55-96.
Навбатчи — Ҳикматулло ҚОДИРОВ.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 140. Буюртма Ғ— 0125, ҳажми— 2 табоқ, Ғфсет усулида бошилган. Қоғоз бичими А—2. Газета ИВМ компьютерида терилди.
Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқароваси. Корхона манзили: «Буёқ Тўғон» кўчаси, 41.
Босишга тошириш вақти — 21.00. Босишга тоширишда 22.00.
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.